

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Баҳоси келишилган нархда

№ 52 (14,155) 28 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА 2023 ЙИЛ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



@toshkand.uz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



Янги йил шукухи

АНОНС



“ЎЗБЕКИСТОН – 2030”:
ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



КИНОТАҚДИМОТ:
ТАФСИЛОТ ВА
ТААССУРОТЛАР



ЖОРИЙ ЙИЛДА
ЎЗБЕК СПОРТИ

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030”:

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Замонавий дунёни рақамли технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, сўнги йилларда техно оламда содир бўлган янгиликлар, ChatGPT, сунъий интеллект каби ислохотлар инсондан янгича билимларни талаб қилади.

Бу борада мамлакатимизда ҳам қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Рақамли технологиялар вазирлигига ташрифи – бу борадаги тизимли ишларнинг қай тарзда бораётганлигини кенг жамоатчиликка кўрсатиб берди. Рақамли бошқарув марказида “Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар тақдироти ўтказилди. Стратегияга мувофиқ, 2030 йилга келиб, юртимизни минтақадаги “IT-HUB”га айлантириш мақсади белгилаб қўйилган. Бу эса, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларда ҳам рақамлаштиришни, алоқа инфратузилмасини яхшилашни, IT таълимни самарали йўлга қўйишни талаб этади.

Шунга қарамай юртимизда бошланғич ишлар натижасида салмоқли ишлар йўлга қўйилди. Ахборот технологиялари субъектлари учун яратилган шароитлар ва имтиёзлар натижасида бундай корхоналар ва иш ўринлари сони, хизматлар экспорти ортиб бормоқда. Солиштириш учун 2017 йилда юртимизда IT компаниялар сони 147 та бўлган бўлса, ҳозирда 1 минг 600 тага етган. Натижада аҳоли айниқса ёшлар учун иш ўринлари ҳам қисқа вақтда 10 баравар кўпайиб, 24 мингтадан ошган.

Му.gov.uz ягона портали ишга туширилиши натижасида бугунги кунда 8 миллиондан ортиқ аҳоли ва тадбиркорлар 570 турдаги онлайн хизматдан фойдаланмоқда. Бу ортиқча ҳужжатбозлик ва овозагарчиликни, вақтни кутиш хоналарида ўтишининг олдини олиш учун қўйилган йирик қадамлардан.

Давлат идоралари ва уларнинг қўйи бўғинлари ходимлари учун ижро интизоми ягона тизими – ijgo.gov.uz ишлаб чиқилиши натижасида улар томонидан 28 миллионга ҳужжат электрон айирбошланган. Қоғозбозликнинг олдини олиш натижасида биз бугунги куннинг муҳим хавфларидан бири бўлган экологик ифлосланишнинг ҳам олдини олган бўламиз. Чунки қоғоз ишлаб чиқариш учун дарахтлар кесилиши билан бир қаторда, кўп миқдордаги электр сарфи ҳам ишлатилади.

Президентимиз рақамли тизимлар давлат идоралари раҳбарларининг онги ва масъулиятини ўзгартганини таъкидлаб, ҳужжатлар интеграцияси ва сифатини яхшилаш, ижро интизоми назоратини кучайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Албатта, амалга оширилган ислохотлар, юртимизнинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топишга ҳисса қўшмоқда. Хусусан, ўтган 2022 йилда БМТнинг Электрон ҳукумат рейтингига мамлакатимиз 18 60-ночи юқорилаб, 69-ўринни эгаллади. 2030 йилга бориб, ушбу рейтингда биринчи ўттизталикка кириш бўйича йиллик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажмини 5 миллиард АҚШ долларга етказиш мақсади белгиланган. Бунинг учун ҳудудларда IT инфратузилмани ривожлантириш, “local to global” тамойили орқали маҳаллий корхоналарни экспортга олиб чиқиш, юртимизда халқаро компанияларнинг офисларини очиш, каби кўплаб чоралар кўзда тутилган. Шу мақсадда икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш учун IT-парк ҳудудига Англия ҳуқуқи жорий этилмоқда. Резидентлар учун солиқ имтиёзларини 2040 йилгача узайтириш, умуман, бу соҳага 100 йиллик қулайлик яратиш бўйича тақлифлар тингланди ва муҳокама қилинди. Давлат раҳбари мамлакатимизнинг ахборот технологиялари, туризм, инвестиция салоҳиятини мужассамлаштирган яхлит имижини яратиш бўйича кўрсатма берди.

Ҳар қандай соҳани ривожини унинг таълимини чуқур эгаллаганликдан бошланади. Рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз ҳудудидagi қатор мактабларда замонавий фанлар ўргатила бошланган эди. Бундан ташқари, IT Schoollar фаолияти ҳам йўлга қўйилганди. Тақдиротда уларнинг фаолияти, соҳага ихтисослашган таълим тўғрисида ҳам ахборот берилди. Сўнги 3 йилда IT ўқув марказлари сони 300 дан ошди. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида таълим олиб, сертификатга эга бўлган ёшлар сони 1 миллион 200 минг нафарни ташкил этди. Ўтган йилдан бошлаб қийналган оила вакилларининг таълим олиши учун халқаро IT-сертификатларга ўқиш харажатларини 50 фоизгача қоплаб бериш йўлга қўйилди. 215 минг нафар ёш халқаро онлайн курсларни битириб, сертификат олди ва улар бугунги кунда ўз иш жойларига, шахсий даромад манбаига эгадир. Тизимли ишларни давом эттирган ҳолда, келгуси йилдан бошлаб, ҳар йили 5 минг нафар иқтидорли ёшни саралаш, ўқитиш ҳамда халқаро меҳнат бозорига тайёрлаш тизими жорий этилади. Хоразм вилоятида “Ал-Хоразмий ворислари” лойиҳасида ўқитиш бошланади. Умуман, IT соҳасида 300 минг нафар ёшни халқаро компаниялар талабига мос дастурлар асосида тайёрлаш ва иш билан таъминлаш режалаштирилган. Рақамли технологиялар вазирлигига қарашли “UZINFOCOM” ягона интегратори офисида яратилган шароитлар кўздан кечирилди, мутахассислар билан суҳбатлашилди.

“Сизлар ҳозирги ислохотларда бизнинг энг ишонган кучимиз. Келажақда сиздек мутахассисларга эҳтиёж янада ошади. Ҳар бир соҳа ва ҳудуд рақамли технологиялар билан ҳамоҳанг ривожланмаса, мамлакат ривожланмайди”, деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳаётимизда яшин тезлигида кириб келаётган сунъий интеллект турли соҳалардаги оғир ишларни инсон омилсиз, мустақил ва бехато бажармоқда. Бу тизимни айниқса ижтимоий соҳаларда, хусусан, тиббиётда кенг йўлга қўйилиши аҳоли фаровонлигини, халқнинг розилигини таъминлаши давлат раҳбари томонидан эътироф этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, рақамлаштириш тизимини юртимизнинг чекка ҳудудларига жорий қилиш ортиқча овозагарчиликни, қоғозбозликни, вақтни исроф қилинишини, коррупцион ҳолатларнинг олдини олади. Электрон ҳужжатлар базасини шакллантириш натижасида ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади.



Шаҳзод Саъдуллаев,
Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети
Халқаро иқтисодиёт ва
менежмент факультети
талабаси:

– Ҳозирги ривожланиб бораётган, таҳликали замонда рақамлаштириш тизими жуда муҳим ва фойдали тизим ҳисобланади. Мисол учун, туман миқёсида рақамлаштириш тизимини жорий этиш кўп фойда келтириши мумкин. Бунда инсон омили билан боғлиқ жараёнларини автоматлаштириш орқали самарадорликни оширади. Ҳукумат ходимлари ва фуқароларнинг ахборотдан фойдаланиш имкониятини яхшилади. Шунингдек, қоғозбозликни қисқартириш ва ресурсларни оптимал тақсимлаш орқали харажатларни тежашга олиб келади. Рақамлаштириш маълумотларни таҳлил қилиш ва маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш имконини беради, давлат органлари бўлимлари ўртасида ҳамкорлик ва алоқани ривожлантиради. Давлат тизимлари операцияларида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди. Бунинг натижасида муҳим

маълумотларнинг сақланиши таъминланиб, ишончли маълумотларни заҳиралаш ва фалокатлар, киберҳужумлар рўй берганда маълумотларни тиклаш стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради. Бундан ташқари, рақамлаштириш тизимлари фуқароларнинг турли соҳаларда иштирокини осонлаштиради, фикр-мулоҳазалар, онлайн хизматлар ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш учун платформалар беради. Бироқ, рақамлаштиришни муваффақиятли амалга ошириш пухта режалаштириш, инфратузилмага сармоя киритиш ва маълумотлар махфийлиги, хавфсизлик ва рақамли саводхонлик билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишни талаб қилади. Умуман олганда, рақамлаштириш тизимини қабул қилиш мамлакат фаолиятининг самарадорлиги, шаффофлигини сезиларли даражада оширади. Бу эса пировардида давлат органлари ходимларига ҳам, улар хизмат кўрсатаётган фуқароларга ҳам фойда келтиради.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади

КОРРУПЦИЯГА

ҚАРШИ
КУРАШИШ
ЖАМИЯТ
ВА
ДАВЛАТНИНГ



МУҚАДДАС БУРЧИДИР

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун энг муҳим вазифалардан бири бу – жамият онгини тубдан ўзгартириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантиришдир. Бу муаммони ҳал қилиш учун биринчи навбатда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини тизимли равишда ошириб бориш, давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларининг тўлиқ шаффофлигига эришиш, шунингдек, барча давлат ва нодавлат ташкилотларида доимий равишда мақсадли профилактика ишларини олиб бориш орқали эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2023 йил 19 декабрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқсак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги ўз нутқида: "...Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этамиз. Давлат идоралари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, очиқ маълумотлар тизимини такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берамиз", деб таъкидлаб ўтди.

Ушбу стратегияни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилишда қулай шароитлар яратишга тўққинлик қилувчи коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, давлат харидларининг тартиблари, шартлари ва механизмларини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаролик кодексини кўриб чиқиб модернизация қилиш, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонуннинг талабларига тўлиқ риоя қилинишини назорат қилиш ва "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонунни қабул қилишни давр тақозо қилмоқда.

Кейинги вақтларда республикада нодавлат нотижорат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашдаги ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамиятнинг тараққий этишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Президентимиз юқорида айтиб ўтилган анжуманда коррупция муаммолари бўйича Минтақавий тадқиқот марказини ташкил этиш таклифини берди.

Президентимиз томонидан таклиф этилган ушбу марказ давлат ташкилотларида коррупциянинг тарқалишига қарши курашиш соҳасида кенг қўллаш ва изчил сиёсатни амалга оширишда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда, қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини

шакллантиришда, коррупцияга қарши курашиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқишда, коррупциядан холи жамият барпо этишга хизмат қилишда, ушбу соҳада халқаро тажрибани ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

Ушбу анжуманда Президентимиз Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг салоҳият ва имкониятларининг янада оширилишини ва коррупция ҳолатлари бўйича "дастлабки ўрганиш" – коррупцион суриштирув институти жорий этилишини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6013-сонли Фармонга мувофиқ, 2020 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилган эди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари тузилган.

Агентликнинг салоҳият ва имкониятларини ошириш учун албатта хорижий тажрибаларни ўрганишимиз зарур. Масалан: Қозоғистон Республикасида 2014 йилда ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мустақил ваколатли ташкилот бўлиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, фош этиш ва тергов қилиш учун масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи ҳисобланади. Ушбу агентлик Қозоғистон Республикаси Президентига бўйсунгани ва унга ҳисобдор.

Жанубий Кореянинг "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги қонунига (01.01.2002 йил) асосан Коррупцияга қарши кураш ташкилоти ҳар қандай шахснинг аризасига кўра дастлабки терговни бошлаши шарт. Агар фуқаро коррупция тўғрисида ёлғон хабар берса, бунинг учун у қаттиқ жазоланади.

Сингапурда Коррупциявий фаолиятни тергов қилиш бюросининг (СРІВ) асосий вазифаси ҳам давлат ташкилотларида, ҳам хусусий секторда коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва тергов қилишдан иборат. Унинг асосий функциялари қилиб: коррупцияга оид шикоятларни қабул қилиш ва текшириш, давлат органлари мансабдор шахслари томонидан содир этилган коррупцияга оид қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар ва мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатларини текшириш, давлат органлари фаолиятини таҳлил қилган ҳолда улардаги коррупцион ҳаракатларни минимумга тушириш – белгиланган.

Юқорида кўрсатилган ва бошқа кўпгина давлатлардагидек Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тергов қилиш ваколатларини бериш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи таркибига киритиш, ҳозирги даврда қанчалик муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтилган тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш Глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда

кенг жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан айтиб ўтилди.

2021 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш ролини янада ошириш мақсадида Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича Глобал Ресурс ташаббуси дастурини бошлаган эди.

Глобал Ресурс ташаббуси дастури халқаро ҳамжамиятга коррупцияга мутлақо тоқат қилмаслик маданиятини шакллантириш учун педагоглар, олимлар, ёшлар ва коррупцияга қарши кураш идоралари билан ишлаш бўйича билим ва тажрибани тақдим этади.

Ташаббус дастури миссияси таълим ва ҳамкорликнинг ўзгартирувчи кучидан фойдаланган ҳолда болалар ва ёшлар ўртасида коррупцияга мутлақо тоқат қилмаслик маданиятини шакллантиришдан иборат.

Дастурнинг асосий компонентлар бошланғич ва ўрта таълим, олий таълим ва тадқиқотлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ташкил этувчи ёшларнинг коррупцияга қарши фаоллигини ошириш жамият олдида турган муаммони ҳал қилишнинг калитидир.

Коррупциянинг олдини олиш ва ҳалолликни ёшлар орасида изчил тарғиб қилиш учун таълим муассасалари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун болалар ва ёшларга ҳурмат, одоб-ахлоқ, ҳалоллик ва қонун устуворлиги, каби тушунчаларини ҳар томонлама синдириш жуда муҳим масалалардан биридир.

Агар биз Президентимиз таъкидлаб ўтганидек БМТнинг Глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этсак, миллий ўқув дастурларимизга киритсак, албатта коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда, ёшлар онгига коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантиришда жуда катта ютуқларга эришамиз.

Юртбошимиз анжуманда коррупцияга қарши курашиш бўйича мураккаб жараёнларда энг олдинги сафларда бораётган журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсирини янада ошириш учун Глобал медиа форумини ўтказиш таклифини билдирди. Албатта, Президентимиз томонидан илгари сурилган ушбу ташаббус, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари вакилларининг хорижий ҳамкорлар билан тажриба алмашиши учун муҳим роль ўйнайди ҳамда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Шухрат ТУРДИҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Янги йил муборак!

Янги йил... Инсониятнинг энг қадимги байрамларидан бири ҳисобланиб, деярли дунёнинг барча мамлакатларида кенг нишонланиб келинмоқда. Гарчи Янги йил саналари маълум цивилизациялар ва маданиятларда турлича нишонланган бўлса-да, байрамнинг туб моҳияти бир хиллигича қолиб келган, яъни Янги йил бу янгиланиш, янги мақсадлар ва ўтган йилда қилинган ишлар юзасидан ижобий таҳлил қилишдир. Мусаффо осмонимиз, каби кўнгилларни оқликка бурковчи, барча интиқиб кутгувчи



бу байрамни нишонлаш асли қачондан бошлангани хусусида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Бугун биз сизларга аввало, Янги йил саргузаштлари ва байрам шукуҳи ҳақида эмас, балки бу байрам билан боғлиқ фактларни тақдим қилмоқчимиз. Зеро, биз яхши кўриб нишонлайдиган байрамимиз ҳақида кўпроқ билиш зарар қилмайди.

– Дастлабки Янги йил байрами милоддан аввалги 45 йилда нишонланган. Шу йилда Рим императори Юлий Цезарь 1 январни миллий байрам, деб эълон қилган. У “январь” номини Римнинг икки юзли эшиклар худоси Янус номига атаб қўйган.


– Арча байрам дарахти сифатида илк марта XVII аср бошларида Эльзас шаҳрида безатилган. Эльзас (бу шаҳар ўша даврда Германиянинг бир қисми бўлган, ҳозир Францияга тегишли) шаҳри фуқаролари арча ва сосна дарахтларини рангли қоғоздан ясалган атиргуллар, олма, печенье, қанд билан безатишган.

– Арчага осиладиган биринчи шиша ўйинчоғи Тюрингия (Саксония)да ясалган.

1 январда Янги йилни қарши олиш ҳақида 1700 йили Россия шоҳи Пётр I фармон берган. Бунга қадар Россияда христианлар Янги йилни 1 мартда, бошқа диндагилар 1 сентябрда нишонлаган.

Францияда 755 йилга қадар йилнинг биринчи куни 25 декабрь ҳисобланган. Кейинчалик бу сана 1 мартга кўчирилган. 1564 йили қирол Карл IXнинг фармони асосан 1 январь боши қилиб белгиланган.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида Янги йил 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси нишонланади. Сабаби 1 январь – Григорян календари бўйича йилнинг илк куни. Бу байрам тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Янги йилни барча байрамларнинг “бобоси” деб айтишга асосли бўлаемиз.



НИМА УЧУН АРЧА ЯНГИ ЙИЛ БЕЛГИСИ?

Айни пайтда қаерга борманг, бир манзаранинг гувоҳи бўлишингиз аниқ: уйда, кўчаларда, ресторан-у, кўнгилочар масканларда, барча-барча ерда Янги йилдан нишона бериш мақсадида кўзни қувнатувчи арчалар ўрнатилган. Деразалар ва эшикларга Янги йилни эсга солувчи расмлар чизилган. Бироқ, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун ҳар ерда Янги йил арафасида айнан арча ясатилади? Бунинг моҳияти нимада? Сабаби қадим замонларда Янги йил кўпроқ жанубий мамлакатларда нишонланган ва байрам рамзи палма дарахти бўлган (иссиқ ўлкаларда палма кўплаб топилади). Шунинг учун жанубда палма “арча” вазифасини бажарган. Бошқа ўлкаларда палма бўлмагани сабаб йил бўйи ям-яшил турувчи дарахт – арча танлаб олинган. Яна бир афсонага қараганда, арчани Янги йил рамзи сифатида белгилаш Германияда бошланган. Қадимги даврларда одамлар йилнинг сўнгги куни биргаликда ўзларининг масканларидаги энг катта дарахт – арчани қидирган ва унинг атрофида байрам қилиб, бу дарахтга ўзлари учун сеvimли бўлган нарсаларни илиб кетган. Бундан мақсад кейинги йил янада мўл-кўл бўлсин, дея ният қилган. Шу тариқа арча ясатиш аънанга айланиб келган. Ҳозирда дунёнинг деярли барча ерида Янги йил байрами нишонланади ва арча унинг рамзи саналади.



ҚОРБОБОСИЗ ЯНГИ ЙИЛ ЁХУД УЮМ-УЮМ ЧИҚИНДИЛАР

Қорбобосиз Янги йилни ҳеч тасаввур қилиб кўрганмисиз? Қизил шапка-ю, оқ соқолли “бобо”сиз бу байрам қандай ўтар экан? Буни қарангки, бу саволга жавобни Африкадан топишингиз мумкин экан. Сабаби, Африкада Янги йил Қорбобосиз нишонланади. Уларда Янги йил кечаси Қорбобо ўрнига “жазирама бобо” йўлга чиқар экан. Бу ҳам ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос эканлигидан бир далолат бўлса ажаб эмас...

Уйингизда уюм-уюм кераксиз нарсаларингиз бўлса-ю, уларни қаерга улоқтиришни билмаётган бўлсангиз, унда Италиядаги Янги йил кечаси айна сизбop вазиятдир. Бу кечада барча мамлакат аҳолиси уйларидаги эски нарсаларни деразаларидан улоқтиради. Янги йил кечасининг эртаси куни Италияда уюм-уюм отиб юборилган нарсаларни кўрсангиз, асло ажабланманг. Бу улар учун одатий ҳолдир.

Анор – Грецияда Янги йил кечасининг асосий маҳсулоти ҳисобланади. Греklar бу кунда Янги йилни қаршилаш мақсадида оила аъзолари билан биргаликда ҳовлиларига чиқади ва анорни деворга қарата отади. Агар анор дончалари ҳар қаёққа сочилиб кетса бу – келаётган йил улар учун омадли бўлишидан дарак.

Ҳиндистон бу байрамни ҳам турли ранглардан фойдаланиш орқали ўтказиши. Шимолий Ҳиндистон аҳолиси бу байрамни оқ, пушти, қизил ва сиёҳрангли сизбop тасаввур эта олмайди. Шу ранглардан фойдаланиб атрофни безайди. Марказий Ҳиндистон аҳолиси эса ҳар бир бинони турли-туман рангларга бўяйди ҳамда бинолар устига оловранг байроқ илиб чиқади. Фарбагилари Янги йил кечаси уйларидаги томига кичик идишда олов ёқиб қўяди. Болаларга совға улашиш жараёни ҳам бу ерда ўзгача бўлиб, эрта тонгда патнисда совға сифатида ширинликлар улашилади.



КЎМИР ОЛИБ КЕЛДИНГИЗМИ, МЕҲМОН?

Шотландияда эса бу кечада смола (бензин тури) тўлдирилган катта-катта бочкалар кўчаларга думалатиб юборилади. Уларнинг фикрича, бу жараён – эски йилни бутунлай ёндириб юбориш рамзи экан. Ушбу давлат аҳолиси эски йилдан ҳеч нарса қолмагандагина Янги йилга кенг йўл очилади, деб ҳисоблайди. Соат миллари ўн иккига яқинлашганда эса шотландлар меҳмондорчилик қилади. Ҳар бир келган меҳмон хонадонга бир бўлак бўлса-да кўмир олиб келиши урфга айланган. Сабаби, Шотландия уйларидаги ҳар бирида уйни иситиш мосламаси сифатида каминдан фойдаланилади. Кўмир – бу хонадондаги олов – узоқ йиллар давомида ўчмаслиги белгисидир.

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Янги йил 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси оила даврасида нишонланади. Барчамизга маълумки, ҳар бир байрам кўшиқсиз, яъни санъаткорларсиз ўтмайди.



**Муножот Йўлчиева,
Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони, ўзбек мумтоз ашулалари ижрочиси:**

– Авваламбор азиз юртдошларимизни кириб келаётган Янги 2024 йил билан чин қалбимдан табриклайман. Барчанинг хонадонига тинчлик, омонлик, хотиржамлик тилайман. Юртимиз доимо тинч бўлсин ва мана шундай яхши кунларимиз кўп бўлсин. Умуман бутун дунёда тинчлик ҳукмронлик қилишига тилақдошман. Чунки, тинчлик бўлмаган жойда байрамлар, ўйин-кулгилар ва турли концертлар бўлмайди. Мен ўтаётган 2023 йилдан жуда ҳам хурсандман. Нега десангиз, ҳаётим жуда кўп қувончли кунларга бой бўлди. Мен учун жудаям самарали йил бўлди. Кўплаб байрамлар, халқаро конференциялар ташкил қилинди. Уларда ҳам албатта биз фаол иштирок этдик. Бундан биз жуда ҳам мамнунмиз. Бундан ташқари, талабаларимиз учун “Муножот Йўлчиева” стипендияси тасдиқланганлиги, мен учун яна бир қувончли воқеа бўлди. Давлатимиз томонидан мана шундай кенг имкониятлар яратиб берилётгани ёшларимиз учун катта бахт, деб ҳисоблайман. Шу имкониятлардан фойдаланиб, ёшларимиз ўзлари устида тинмай ишлаб, ўзларининг мактабларини яратиб, янада юқори марраларга эришсин.



**Зулайҳо Бойхонова,
Ўзбекистон халқ артисти:**

– Мана яна бир йил ўтиб, яна бир Янги йилни қаршилаш арафасидамиз. 2024 йил ҳаммамиз учун энг эсда қоларли қувончларга бой йил бўлишини истардим. Ким нима орзу, ният қилган бўлса, ҳаммаси 2024 йилда ижобат бўлсин! Янги йилни янги режалар, мақсадлар билан қарши олайлик, шунда ҳамма орзу-ниятларимиз ижобат бўлади. Энг асосийси, барчангизни соғлик, бахт, оилавий қувонч ва тотувлик ҳеч қачон тарк этмасин.



**Валижон Шамсиев,
таниқли қизиқчи ва сўз устаси:**

– Биласизми, мен тадбиркорликка жуда қизиқаман. Бу борада устозларим ҳам кўп. 2023 йилда амалга оширилиши кутилган энг катта режаларимиздан биттаси – янги замонавий маҳалла гузари куриб бериш эди. Шукрки, бунга ҳам эришдим. Унинг номи аввал “Кўксарой” эди, ҳозир “Қадрият” деб номланди. Бундан жуда кўпчилик хурсанд бўлишди.
Келгусида ҳам ниятларим бисёр. Кино соҳасини ривожлантириш ҳамда халқимга манзур бўладиган концерт дастурларимни кўпайтиришдир.
Янги йилда тилакларим: «Мартабангиз улуг, ҳамёнингиз тўлиқ, билагингиз бўлиқ, қадамингиз қутлуғ бўлсин. Қозонингизда ош, ёстиғингизда бош кўпайсин. Қадрли юртдошлар! Сизларга ниятларим жудаям кўп. Эрталаб соғ-саломат туринглар, ўйнаб-кулиб юринглар, давру давронлар суринглар, гўзал-гўзал ошёнлар курунглари. Энг асосийси, одамларнинг қалбига қурган ошёнлар ҳеч қачон бузилмасин».



**Қиличбек Мадалиев,
хонанда:**

– Яқинлашиб келаётган 2024 йил барчага муборак бўлсин! 2023 йилда амалга ошмай қолган ниятларингиз, режаларингиз албатта, 2024 йилда амалга ошсин. Хонадонингизга бахт ва фаровонлик тилайман, оилавий бахт ва ҳамжиҳатлик сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Доим Аллоҳнинг назарида бўлинг. Дастурхонингиздан файзу барака йўқолмасин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Биз ҳам сиз учун ижод қилишдан тўхтамайлик, умрингиз узоқ, қалбингиз доимо ёруғ бўлсин!



**Жалолиддин Аҳмадалиев,
хонанда:**

– Барчага маълум, санъатга кириб келишимдан олдин анчагина қийинчиликларни бошдан кечирганман. Россияда акамлар билан совуқ кунларда қийналиб қолган кунларимиз кўп бўлган. Ўзбекистонга қайтиб бир неча касбларни ўргандим. Ишладим. Қаерда ишлашимдан қатъий назар кўшиқ куйлашни, шеърни куйга солиш ҳаёли билан юрдим. Ҳаракатларим, интилишларим бесамар кетмади. Ижод қилишдан тўхтамадим. Шунини аниқ айта оламанки, 2023 йилда анча ютуқларга эришдим, ва бу мен учун энг муҳими ҳисобланади. Уйлайманки, Янги 2024 йил ҳам мен учун омадли ва ютуқларга бой йил бўлади. Келгусидаги режаларим ҳақида гапирадиган бўлсам, аввало халқимизга манзур бўладиган кўшиқлар яратиш ва концерт дастурлари ташкил этиш ниятидаман.
Шу фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни Янги йил билан чин қалбимдан табриклайман. Келгусидаги ишларида ривож ва зафарлар тилаб қоламан. Яна бир бор Янги йил муборак бўлсин!

КИНОТАҚДИМОТ: ТАФСИЛОТ ВА ТААССУРОТЛАР

Жорий йилнинг 25 декабрь куни “Киночилар уйи”да “Oltin Humo – 2023” миллий кинотақдимоти бўлиб ўтди. Тадбир давомида ўндан ортик номинациялар ўз эгаларига топширилди.

Жумладан, ўзбек кинематографиясига қўшган ҳиссаси учун “Oltin Humo” махсус мукофоти Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек дубляж санъати қироличаси Мукамбар Раҳимовага топширилди. Шунингдек, “Энг яхши ҳужжатли фильм” номинацияси – Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси маҳсулоти, Хусан Рашидов ва Илхом Муҳаммадиброҳимовнинг “Умар Камолитдин Саййид Шамсиддин” ҳужжатли фильмига, “Энг яхши анимацион фильм” номинацияси – “II ренессанс, Амир Темури” мультипликацион фильмига, “Энг яхши компьютер графикаси” номинацияси – “Қуёш таъми” фильмидаги иши учун Виталий Бородинга, “Энг яхши овоз режиссёри” номинацияси – “Доктор Абдуллаев” фильмидаги иши учун Комил Турсунбоевга, “Энг яхши монтаж иши” номинацияси – “Эврилиш” фильмидаги иши учун Хуршид Алихўжаевга, “Энг яхши грим расоми” номинацияси – “Ўзбек қизи” бадиий фильмидаги иши учун Галина Ивановага, “Энг яхши либос бўйича расоми иши” номинацияси – “Абдулла Орипов” фильмидаги иши учун Нигора Пўлатовага, “Энг яхши расоми иши” номинацияси – “Ўзбек қизи” фильмидаги иши учун Акмал Саидовга, “Энг яхши кино бастакори” номинацияси – “Пуанкаре” фильмидаги иши учун Қосим Муинзодага, “Энг яхши операторлик иши” номинацияси – “Эврилиш” фильмидаги иши учун Рустам Муродов ҳамда Жамшид Ғаниевга, “Энг яхши сценарий” номинацияси – “Якшанба” фильмидаги иши учун Шокир Ҳолиқовга, “Энг яхши аёл роли” номинацияси – “Судья” фильмидаги роли учун Шодия Абдуқодировага, “Энг яхши эркак роли” номинацияси – “Доктор Абдуллаев” фильмидаги роли учун Рустам Каримовга, “Энг яхши режиссёрлик иши” номинацияси – “Якшанба” фильмидаги иши учун Шокир Ҳолиқовга, “Томошабин меҳрини қозонган фильм” номинацияси – Музаффархон Эркиновнинг “Абдулла Орипов” фильмига, “Йилнинг энг яхши фильми” номинацияси – Акбар Бектурдиевнинг “Ўзбек қизи” фильмига насиб этди.

Бу йил кинотақдимоат ташкилий кўмитасига давлат ва нодавлат киностудиялари томонидан 40 та, жумладан, 4 та анимацион, 15 та ҳужжатли, 21 та бадиий фильм бўйича аризалар қабул қилинди. Бундан ташқари, бу галги тақдимоатнинг аввалгиларидан фарқли жиҳати, ҳакамлар ҳайъати ТУРКСОЙ ташкилотига аъзо давлатлар кино соҳаси департаменти раҳбарларидан ташкил этилди. Тақдимоатда ҳакамлар тавсия қилган юксак савияли асарлар тақдирланди.

Тақдирланган фильмларнинг бир нечаси халқаро кинофестивалларда ҳам қатор номинациялар бўйича ғолиб бўлган эди. Бундан ташқари, кинотақдимоатнинг махсус совғаси ўзбек кино санъати дарғаларига берилаётганини ҳам олқишлаш лозим. Айнан шу мукофотни қўлга киритган Мукамбар Раҳимова ва бошқа совриндорлар билан суҳбатлашдик.

**Мукамбар Раҳимова,
Ўзбекистон халқ артисти:**

— Кинофестивалларнинг аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?

— Нима ҳам дейишим мумкин. Ўзим икки йилдан буён кинофестивалларда қатнаша олмапман. Бундай тадбирлар қолаверса, халқаро миқёсдаги тадбирлар авало тажриба алмашиш имконини беради. Дўстона муҳитни шакллантиришади, янги лойиҳалар имзоланади ҳамда фильмларимиз танилишида ҳам аҳамияти катта. Яхши фильмлар суратга олишга замин яратади. Бошқа тарафлама олиб қараганда мамлакатнинг туризм салоҳияти орттиришида ҳам катта ўринга эга.

— Бугунги ўзбек дубляж санъати ҳақида қандай фикрдасиз?

— Бугун ўзбек дубляж санъати йўқ, десам ҳам бўлади. Фақатгина тўрт-беш овозли таржима бор. Ўзи билганча, бешта одамни ўн бешта одамга овоз бериши бу дубляж эмас. Яхшилаб қулоқ солсангиз бугун телеэкран орқали эфирга узатилаётган фильм ва сериалларни кўриб, унинг фильм эканлигига шубҳа қиласиз. Уларнинг ичида олийгоҳда ўқиб, бир йил, икки йил шу соҳада шоғирд тушиб ўрганганлари оз. Консерваторияда овоз операторлигидан таҳсил олиб, режиссёрлик қилади. Ваҳоланки, режиссёр бўлиш учун кўп китоб ўқиши, ўз тилининг имло қоидаларини яхши билиши ва ўзида ҳам актёрлик маҳорати бўлиши лозим. Ўзида йўқ нарсани у қандай қилиб дубляж актёрига ўргатади? Ҳаммаёқда “овоз режиссёри” деб бонг уришади, ваҳоланки, бундай касбнинг ўзи йўқ. Дубляж санъати пайдо бўлганига 85 йил бўлган бўлса фақат овоз оператори ва овозлаштириш режиссёри бор. Қандай қилиб овозга режиссёрлик қилиш мумкин? Баланд гапир, паст гапир, дейиш бу операторнинг иши.

Ҳозир дубляжда талаб йўқ. Сиз соат иккига келинг, сиз бирга келинг, деб чақиришади ва келган одам ҳам кўлидаги матнни экранга қарамай, ўқиб кетаверади. Бу соҳада мутахассис бўлиш учун олий маълумотли бўлса ҳам бир йил, икки йил шу соҳа устозларидан таълим олиши шарт.

— Нима деб ўйлайсиз нега бугун шунчаки таржима қилинган сериалларнинг томошабини кўп?

— Ҳозирги томошабин учун жавоб бера олмайман. Улар орасида ҳам зиёлилари камайиб кетди. Китоб ўқийдиганлари, ҳозирги сиёсий-ижтимоий ўзгаришлардан хабардорлари кам. Қўпол қилиб айтганда, уйдаги тўртта машинани бешта қилиш билан овоз, телевизор кўришга ҳам вақти йўқ. Қишлоқ шароитида яшайдиган маълум бир қатламдаги одамларгина мунтазам кўриши мумкин. Шунинг учун ҳам бугун томошабин нима деркин, деган ўй кўпчиликни қийнамай қўйди. Бу муаммоларни бартараф этиш учун эски мактабни тиклаш, фидоий ёшларни жалб қилиб, уларга дубляж мактаби устозлари дарс бериши лозим.

**Рустам Муродов,
кинооператор:**

— Кинофестиваллар ижодкор учун қанчалик аҳамиятли?

— Кинофестиваллар нафақат киноижодкорлар, балки кинога алоқаси бор барча учун керак, деб ўйлайман. Боиси, мукофотлар ижодкорни келгуси ишларига мотивация беради, уни руҳлантиради. Қайсидир ишингиз кадрланаётганини кўрсангиз, албатта қувонасиз. Касбга бўлган муҳаббатингиз ортади. Сизни фестивалларда қўлга киритаётган ютуқларингизни кўриб турган шоғирдлар, талаба-ёшлар ҳам: “Вақти келиб мен ҳам шундай тақдирланаман”, деб ўзини ўзи руҳлантиради. Кинотақдимоат суратга олиш жараёнида эканлигим учун қатнаша олмадим. Мукофот олганимни иш жараёнида қўнғироқ қилиб етказишди ва иш жараёнида ҳам ўзгача энергия билан давом эттирдим. Менимча, бундай тадбирларнинг ижобий жиҳати кўп.

— “Эврилиш” фильми қайси жиҳати билан ушбу мукофотни қўлга киритди, деб ўйлайсиз?

— Фильм муаллифлик фильми ҳисобланади. Одатда бундай фильмлар чиройли кадрларни эмас, тасвирий ечимларга бой кадрларни талаб қилади. “Эврилиш”да айнан шу жиҳатларига эътибор қаратилган. Тасвирлар бир қарашда оддий кўриниши мумкин бироқ, профессионал нуқтаи назардан қараганда мураккаб ечимга эга.

— Сўнги икки йил ичида суратга олинган фильмлар орасида яна қайси фильмларнинг операторлик ишларини юқори баҳолайсиз?

— Фильмларимиз кўп, сизга ҳозир дарҳол жавоб беришга қийналанман. “Фариданинг икки минг кўшиги” фильми ҳам юқорида айтганимдек тасвирий ечимларга бой.

— Ўзбек киносида яратилаётган имкониятлар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Менимча ижобий ўзгаришлар катта бўлди. Авваллари бошқа мамлакатга бориб, тасвирга олиш мураккаб масала эди. Ҳозир бундай қийинчиликлар йўқ, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда фильмлар суратга олинмоқда. У мамлакатга бориб, иш жараёнида тажриба орттириш, энг замонавий технологиялардан фойдаланишни ўзлаштириш ва ўз мамлакатимизда қўллаш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, ёшлар учун кинофестиваллар доирасида ўтказилаётган маҳорат дарслари ва янги очилаётган ўқув юртлари ҳам катта имконият, деб ўйлайман.

**Хусан Рашидов,
кинорежиссёр:**

— Номинация олган ҳужжатли фильмнинг мавзуси нима эди?

— Фильм Умар Камолитдин Саййид Шамсиддин исмли шахс ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. У зот асли бухоролик бўлиб, Чингизхон Бухорони қамал қилган вақтда 3-4 ёшли бола бўлган. У кишини Чингизхон Хитойга ўзи билан олиб кетади. Умар Камолитдин Хитойда қолиб кетиб, Хитой халқи учун жуда катта хизмат қилади. Чингизхоннинг набираси кўл остида ишлаб ҳоким, саркарда ҳатто губернатор даражасига ҳам кўтарилган. Губернатор лавозимида ишлаб юрган кезларида Хитой халқи учун маданий, моддий томонлама катта фойда келтирган. Жумладан, сув таъминоти иншооти қурдирган. Ундан Хитой халқи ҳозиргача фойдаланиб келади ва Умар Камолитдин шахсиятини жуда ҳурмат қилади. Унга атаб Чин юртида музей ташкил қилинган, ҳайкаллари мавжуд. У инсонни биздан кўра хитойликлар яхши билишар экан. Энг ажабланарлиси, у инсон бошқа мамлакатдаги шунча йиллик фаолияти давомида ҳам мусулмон динида бўлган. Боиси, Чингизхон ва унинг фарзандлари динга қаттиқ назорат ўрнатмаган. Бундан ташқари, асл ўзбек, деб қараладиган дунган халқининг Хитойда кўпайишида ҳам Умар Камолитдиннинг ҳиссаси катта.

— Сизнингча, ҳужжатли фильмлар суратга олиш қанчалик аҳамиятли?

— Биласизми, дунё бўйича энг кўп талаб қилинадиган, ўз харажатларини энг кўп қоплай оладиган фильмлар ҳам ҳужжатли фильмлар ҳисобланади. Чунки томошабин қимматли ва ўзига керакли маълумотларни ҳужжатли фильм орқали визуал тарзда олиш имкониятига эга. Бундан ташқари, бу жанр фильмлари фактларга таянган ҳолда суратга олинади. Ҳужжатли фильмларни янгича босқичга олиб чиқиш лозим, деб биламан. Юртимиз тарихи бой, фильм суратга олиш учун жуда кўп ажодларимиз бор. Уларнинг ҳаёт йўлини томошабинга қизиқарли тарзда етказиш керак.

— Кинофестивалларнинг ўтказилиши қанчалик муҳим?

— Кинофестиваллар ўтказиш нафақат керак балки, жуда ҳам зарур, деб ўйлайман, айниқса, ҳозирги вақтда. Чунки ижтимоий тармоқлар ривожланди, енгил-елпи видеолар сони ортди. Уларнинг ичида савияли, кўриб ҳордиқ чиқарадиган маҳсулотлар жуда кам. Бу нарсага қандай қилиб курашиш керак дейишса, инсонга маънавий озуқа берадиган кинофильмлар орқали, деган бўлардим. Чунки санъатнинг энг таъсир кучига эга йўналиши – бу кино санъатидир. Кино санъати ривожланишида эса, албатта, кинофестивалларнинг ўрни беқиёс. Бундан ташқари, фестиваллар ижодкорлар билан бир майдонда бир-бири билан рақобатлашиш ва янги ютуқларга эришиш имконини беради. Масалан, мен бугун “Oltin Humo”ни олсам кейинги йил ундан юқорирогини кўзлайман. Ололмаганлар эса: “бу мукофот кейинги йил албатта, меники бўлади”, деган мақсадни ўз олдига қўяди. Шахсан ўзимни фильмим ҳам ўтган йили номзодлар орасида бор эди, бироқ мукофотни қўлга кирита олманман ва кейинги йил учун кучлироқ ҳаракат қилганман. Фестиваллар ўрни беқиёс уларни янада ривожлантириш керак. Фильмларимизни дунё даражасига олиб чиқсак фестиваллар ҳам ўз-ўзидан дунё даражасига чиқади.

Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади

ЖОРИЙ ЙИЛДА

Ўзбек спорти

Сўнги йилларда мамлакатимиз спортчилари халқаро майдонда юқори ўринларни қайд этиб келмоқда. Ҳар мусобақада янгидан-янги номлар кашф этилмоқда. Жорий йил ҳам мамлакатимиз спорти учун сермахсул йиллардан бири бўлди. Бир қатор юқори натижалар қайд этилиб, рекордлар ўрнатилди.

Жорий йилнинг 24 декабрь куни “Миллий спорт мукофоти – 2023” тақдирлаш маросимида юртимизнинг энг яхши спортчилари бир неча номинацияларда тақдирланишди. Жумладан, “Йил кашфиёти” – Зиёдахон Абдусатторова (камондан отиш), “Йилнинг энг яхши ёш спортчиси” – Гулистан Пердибаева (қиличбозлик), “Юксалаётган федерация” – Ўзбекистон Rowing&Canoe федерацияси, “Йилнинг энг яхши ҳаками” – Дмитрий Ким (таэквондо WT), “Йилнинг энг яхши спорт шифокори” – Сардор Парпиев (МОҚ қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази шифокори), “Йилнинг энг яхши Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази” – Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази, “Йилнинг энг яхши спорт фотографи” – Анвар Илясов (“Dunyo” АА фотографи), “Олимпизм тарғиботи йўлидаги узоқ йиллик хизматлари учун” – Гулноза Аҳмадалиева (Олимпия ва Паралимпия шон-шухрати музейи директори), “Ноолимпия спорт турларида йилнинг энг яхши терма жамоаси” – Кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси, “Йилнинг энг фаол спорт жамияти” – Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси спорт жамияти, “Йилнинг энг фаол спорт блогери” – Фаррух Муҳиддинов (“Bugunspog” инстаблог асосчиси), “Йилнинг энг яхши спорт журналисти” – Абдуазиз Қурбонов “Sport” телерадиоканали муҳбири, “Олимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қўшган ҳиссаси учун” – “NavoiyKMK” АЖ, “Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлашдаги хизматлари учун” – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлашдаги хизматлари учун (хусусий сектор)” – “БеФит” жамоаси, “Йилнинг энг яхши ёш паралимпиячиси” – Шахина Йигиталиева (параенгил атлетика), “Йилнинг энг яхши пара спорт мураббийи” – Дилшод Йўлдошев (пара каное), “Йилнинг энг яхши пара спорт клуби” – Сув спорти турлари клуби, “Йилнинг энг яхши пара терма жамоаси” – Пара энгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси, “Паралимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қўшган ҳиссаси учун” “OlmaliqKMK” АЖ, “Ғалабага бўлган иродаси учун” – Севинч Раҳимова, “Йилнинг энг яхши спорт тадбири ташкилотчиси” – Ўзбекистон бокс федерацияси, “Йилнинг энг яхши спорт федерацияси” – Ўзбекистон футбол ассоциацияси, “Йилнинг энг яхши терма жамоаси” – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси, “Хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” – Гўзал Муминова, “Йилнинг энг яхши аёл паралимпиячиси” – Асила Мирзаёрова (пара энгил атлетика), “Йилнинг энг яхши эркак паралимпиячиси” – Хайитмурод Шерқўзиёв (пара каное), “Йилнинг энг яхши мураббийи” – Глеб Гройсман (велоспорт бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи), “Йилнинг энг яхши аёл спортчиси” – Тахмина Икромова (бадий гимнастика), “Йилнинг энг яхши эркак спортчиси” – Абдумалик Халожов (бокс)лар ўз номинацияларини қабул қилиб олишди.

Бундан ташқари, тадбир давомида Ўзбекистон энгил атлетика федерацияси, Ўзбекистон ўқ отиш спорти федерацияси, Ўзбекистон шахмат федерацияси, Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси, Ўзбекистон теннис федерацияси, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги спорт маркази Ханчжоу–2022 XIX ёзги Осиё ўйинларидаги муваффақиятли иштироклари учун тақдирланишди.

Мамлакатимиз номини дунёга танитишда айниқса, боксчиларимизнинг ҳиссаси катта. Бир вақтлар Олимпия ўйинларида порлаган боксчиларимизнинг бугунга келиб жаҳон юлдузига айланаётганлари ҳам бор.

Айнан ўзбек боксига оид саволларга жавоб олиш мақсадида **Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси матбуот хизмати раҳбари Камолдин Алимов** билан суҳбатлашдик.

— **Ўзбек боксчиларнинг рейтинг халқаро майдонда ўтган йилга нисбатан юқориларими ёки аксинчиси?**

— Профессионал бокснинг асосий тўртта –

WBC, WBA ва WBO йўналишлари бор. Бу тўртта йўналиш қаторига IBO ташкилоти камарини қўша ҳам бўлади. Мана шу йўналишларнинг ҳар бирида 17 тадан вазн тоифалари бор. Номлари тилга олинган ташкилотлар ўз рейтингларини мунтазам янгилан боради. Бевосита ўзбекистонлик боксчиларнинг бу нуфузли йўналишлардаги ўринларига келсак, бир неча чарм қўлқоп усталаримиз рейтингда Топ-15таликдан жой олган, айримлари пешқадам бўлиб турибди. Масалан, куни кеча эълон қилинган Халқаро бокс федерацияси (IBF)нинг декабрь ойи учун мўлжалланган рейтингдан 4 нафар боксчимиз ўрин олган. Биринчи ярим энгил вазн (55,3 кг.) тоифасидаги вакилимиз Муроджон Аҳмадалиев 3-ўринда қайд этилди. Супер энгил вазн (63,5 кг.) вакили Шохжаҳон Эргашев 8, ярим ўрта вазн (66,6 кг.)даги Шаҳрам Ғиёсов 15-ўринни эгаллаб турибди. Супер ярим ўрта вазн (69,8 кг.) тоифасида жанг қилувчи Исроил Мадримов ўтган ойдаги рейтингдан 4 поғонага пастлаб, 11-ўринни банд этган. Бутунжаҳон бокс ташкилоти (WBO)нинг декабрь ойи учун эълон қилган рейтингдан эса 5 нафар боксчимиз жой олган. Ҳасанбой Дўсматов (биринчи ўта энгил вазн (48,8 кг.): 8-ўрин, Олимжон Назаров (ўта энгил вазн тоифаси – 50,8 кг.) ўтган ойдагидан 5 поғона пастлаган ҳолда, 7-ўрин, Муроджон Аҳмадалиев (биринчи ярим энгил вазн тоифаси – 55,3 кг.) бу ой ҳам 6-ўрин, Шаҳрам Ғиёсов (ярим ўрта вазн тоифаси – 66,6 кг.) 4 поғона юқорилаб, 3-ўрин, Бектемир Мелиқўзиёв (супер ўрта вазн – 76,2 кг.) ўтган ойдагидан 2-ўрин кўтарилиб, 7-поғонага жойлашди.

Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA) томонидан эълон қилинган ҳозирча сўнги рейтингдан 7 нафар боксчимиз ўрин олган. Айни пайтда уларнинг 4 нафари ўз вазнларида пешқадамлик қилишмоқда.

Ҳасанбой Дўсматов – (минимал вазн) 2-ўрин, Муроджон Аҳмадалиев (биринчи ярим энгил вазн) 1-ўрин, Отабек Холматов (ярим энгил вазн) – 1-ўрин, Ботир Аҳмедов (супер энгил вазн) – 7-ўрин, Шаҳрам Ғиёсов (ярим ўрта вазн) – 1-ўрин, Исроил Мадримов (супер ярим ўрта вазн) – 1-ўрин, Бектемир Мелиқўзиёв (супер ўрта вазн) – 6-ўрин.

Йўналишлар орасида энг нуфузли ҳисобланган WBC рейтингдан 9 нафар боксчимиз жой олган бўлиб улар, супер оғир вазн: Баҳодир Жалолов 15-ўрин, супер ўрта вазн тоифаси (76,2 кг): Бектемир Мелиқўзиёв 5 поғона юқорилаб 13-ўрин, супер ярим ўрта вазн (69,8 кг): Исроил Мадримов бир поғона пастлаб 8-ўрин, ярим ўрта вазн (66,6 кг): Шаҳрам Ғиёсов 3 поғона кўтарилиб 15-ўрин, Жаҳонгир Расулов бир поғона пастлаб, 31-ўрин, супер энгил вазн (63,5 кг): Ботир Аҳмедов 3 поғона пастлаб 33-ўрин, ярим энгил вазн (57,1 кг): Отабек Холматов 7-ўрин, биринчи ярим энгил вазн (55,3 кг): Муроджон Аҳмадалиев бир поғона юқорилаб 4-ўринни банд қилган бўлса биринчи ўта энгил вазнда (48,8 кг.) Ҳасанбой Дўсматов 5-ўрин эгаллади.

— **Йил давомида профессионал боксчиларимиз неча жанг ўтказишди?**

— Бугунги кунда профессионал боксда фаолиятини давом эттираётган ҳамюртларимиз сони жуда кўп. Саволингизга ўзбек бокс мухлисларининг диққат-эътиборида бўладиган, рейтинг юқори чарм қўлқоп усталаримизнинг йил давомида ўтказган жанглари эслатиб ўтаман. Профессионал боксчиларимизнинг 2023 йилги иштирокини Олимжон Назаров бошлаб берди. 28 январь куни ўтказилган жангда ўта энгил (50,8 кг) вазндаги боксчимиз WBO Oriental камарини Сеул шаҳрида ҳимоя қилди. У таиландлик 27 ёшли Жакравут Мажунгоенни очколар (120-108, 120-108, 120-108) ҳисобига кўра мағлубиятга учратди. Худди шу куни Одилжон Аслонов Екатеринбург шаҳрида россиялик Максим Смирновдан устун келди. 29 январь тонгида Бектемир Мелиқўзиёв Калифорнияда америкалик Улисес Серрани учинчи раундда нокаутга учратди. Бу ғалабаси эвазига у WBO Глобал камарини қўлга киритди. 5 март куни ярим энгил вазн тоифасидаги чарм қўлқоп устамиз Отабек Холматов (11-0) Англиянинг Ньюкасл шаҳрида британиялик Томас Патрик Уорд (33-0-2) ни 5-раунддаёқ нокаутга учратди. Бу ғалаба унга чемпионлик жангида иштирок этиш ҳуқуқини тақдим этди. Шу куни ярим оғир вазндаги Дилшодбек Рўзметов Мексикада мезбон юрт вакили Хесус Паломарес (7-2-1)ни очколар ҳисобига кўра енгди. 11 март куни энгил вазн тоифасида жанг қилиб келаётган Абдурасул Исмоилов Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида мўғулистонлик Очирсурен

Амарсанани иккинчи раунддаёқ нокаутга учратди. 9 апрель куни АҚШнинг Сан-Антонио шаҳрида супер ярим ўрта вазн тоифасидаги боксчимиз Исроил Мадримов (9-0-1) ўзи учун янги – ўрта вазнда рингга кўтарилди. У америкалик Рафаэль Игбоквем (16-4) ни ҳакамларнинг яқдил қарори билан (100-90, 99-91, 99-91) енгди. Афсуски, айнан шу оқшомда иккинчи энгил вазнда WBA ва IBF чемпионлик камарлари соҳиби Муроджон Аҳмадалиев филиппинлик Марлон Тапалесга ютқазиб қўйди. Ҳакамларнинг икки нафари 115:113 ҳисоби билан Тапалес фойдасига қарор чиқарган. Учунчи ҳакам Муроджоннинг йирик 118:110 ҳисобидаги ғалабасини таъминлаганди. 16 апрель куни Иқболжон Холдаров Мексикада мезбон боксчи Элеазар Валенсуэлани биринчи раунддаёқ мағлуб этди. 23 апрель куни АҚШнинг Невада штати Лас-Вегас шаҳрида Бектемир Мелиқўзиёв мексикалик Габриэль Росадога қарши реванш жангини ўтказди. Ўн раундга мўлжалланган жанг тўлиқ давом этди ва якунда ҳакамларнинг яқдил қарори билан Мелиқўзиёв ғалаба қозонди. 18 июнь куни АҚШнинг Нью-Орлеан шаҳрида ярим ўрта вазн тоифасидаги Шаҳрам Ғиёсов (14-0) америкалик тажрибали Харолд Калдерон (27-1)ни 120-108, 118-110, 116-112 ҳисобларида мағлубиятга учратди ва WBA йўналишида мажбурий даъвогарга айланди. 27 август куни Баҳодир Жалолов проф боксдаги 13-жангини ўтказди. АҚШнинг Оклахома штати Талса шаҳрида ташкил этилган бокс оқшомида ҳамюртимизга нигериялик Онориоде “Годзилла” Евариеме рақиблик қилди. Жалолов 1-раунддаёқ рақибини техник нокаутга учратди.

7 ноябрь куни Ҳасанбой Дўсматов (6-0-0) Сочи шаҳрида ЖАР боксчиси Сифамандла Балени (ЖАР, 21-6-2)ни очколар ҳисобига кўра мағлубиятга учратди. 17 ноябрь куни Тошкентда катта профессионал бокс оқшоми ўтказилди. Унинг доирасида ҳамюртларимиздан Абдумалик Халоков, Қудратилло Абдуқаҳоров, Миразиз Мирзахалилов, Мужибилло Турсунов, Баҳодир Жалолов рингга кўтарилди ва ғалабага эришди. Жалолов ЖАР вакили Крис Томпсонни биринчи раундда нокаутга учратди. 15 декабрь куни Хуршид Тожибоев Франциянинг Лион шаҳрида Каддур Ҳмианини олтинчи раундда техник нокаут билан енгди. Муроджон Аҳмадалиев 17 декабрь куни АҚШда мексикалик Кевин Гонсалесни саккизинчи раундда техник нокаутга учратиб, WBA чемпионлик камари учун даъвогарга айланиб олди. Бошқа яна кўплаб проф боксчиларимиз ҳам якунига етиб бораётган 2023 йилда ўз жанглариини ўтказишди.

— **Мамлакатимиз яқин йилларда бокс бўйича йирик турнир мезбонлик қилиши кўзда тутилганми?**

— Бугунги кунда юртимизда “FavzulMunavvar”, BukaBoxing, LIFTPromotion сингари бир неча промоутерлик компаниялари фаолият юритмоқда. Бу компаниялар Ўзбекистонда кўплаб бокс кечаларини ўтказиб келмоқда. Табиийки, 2024 йилда ҳам бу анъана давом этади. Шунингдек, вилоятларда ҳам профессионал бокс турнирлари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Бу йил Сирдарё, Навоий, Андижон каби вилоятларда ана шундай бокс оқшомлари ташкил этилди. Бундан ташқари, 2024 йилда ўзбекистонлик боксчилар иштирокидаги чемпионлик жангларига ҳам гувоҳ бўламиз. Отабек Холматов 2 март куни вакант бўлиб қолган WBA камари учун америкалик Раймон Фордга қарши рингга кўтарилади. Чемпионлик жангига АҚШнинг Нью-Йорк штати, Верона шаҳри мезбонлик қилади. Топ Ранк промоутерлик компанияси 317 500 АҚШ доллари эвазига ушбу жангини ташкил этиш ҳуқуқини қўлга киритган. Режа бўйича Шаҳрам Ғиёсов февраль ойида АҚШда жанг ўтказиши керак. Олимжон Назаров ва Абдурасул Исмоилов 13 январь куни Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида “Соскй Буффало” промоутерлик компанияси томонидан ташкил этиладиган оқшомда навбатдаги жанглариини ўтказишади. Ўта энгил вазн тоифасида WBO Oriental камари соҳиби Олимжон Назаров (28-5-0) хитойлик Вулан Туолехази (15-5-2) билан жанг қилади. Биринчи ярим ўрта вазн тоифасидаги Абдурасул Исмоилов (10-2-0)га эса яна бир Хитой вакили Вейвей Лиу (4-2-0) рақиблик қилади. Шунингдек, Муроджон Аҳмадалиев камарларини қайтариб олиш учун 2024 йилнинг биринчи чорагида рингга чиқади. Бектемир Мелиқўзиёв ҳам 2024 йилда чемпионлик камари учун жанг қилади.

Миржалол МАҲКАМОВ тайёради

ЯНГИ ЙИЛ ШУКУҲИ

Юртимизнинг барча ҳудудларида Янги йил шукуҳи, инсонларда байрамона кайфият ҳукмрон! Айниқса, бу байрам яқинлашгани сари болажонларнинг қувончи ҳам ортиб бораверади. Боиси, эртанга байрамни ҳаммадан кўпроқ болажонлар орзиқиб кутишади, десак ҳечам муболаға бўлмайди. Чунки Янги йилда болажонлар кўпроқ совға олади-да.

Шундай қилиб азиз ва эҳни ўткир ҳамшаҳарларим, бугун Зийрак бобоингиз нима ҳақида гапириб бермоқчи эканини сезгандирсиз, ҳойнахой. Сизларга бугун поёнига етиб бораётган 2023 йилни яқунлаб, 2024 йилга аста-секин қадам босаётган Янги йил шукуҳи ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Яқинлашиб келаётган Янги йилни қутлаш ва муносиб кутиб олиш тўғрисида сўзлар эканман, келинг, мавзуга доир бир воқеани ҳикоя қилиб берсам.

Хуллас, менга вилоятдаги дўстларим азим Тошкентда Янги йил байрамига қандай тайёргарликлар кўрилатганини сўраб, кўнғироқ қилиб қолди. Мен шаҳримизда ўзгача бир кайфиятда эканини: “Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши, келиб томоша қилиб кетинглар”, дедим. Дўстларим бу тақлифимдан руҳланиб, оилавий ва яна икки яқинларини олиб, жамоавий пойтахтга келишди.

Уларни биринчи навбатда шаҳримизнинг асосий, бош арчаси ҳисобланмиш — “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонаси олд майдонида безатилган арча ёнига олиб бордим. Арча шу қадар нозик дид билан безатилганки, дўстларимга кўшилиб, мен ҳам ҳайратимни яшира олмадим. Унга ўрнатилган чироқлардан тортиб, ён-атрофидаги эртан қахрамонларнинг ҳайкалчалари... Бу ерда ўзингизни худди эртанга тушиб қолгандай ҳис этасиз. Айниқса, арча атрофидаги болажонларнинг қувончи чексиз, уларнинг шодон кулгилари инсонга янада кўтаринки кайфият бахш этади.

Меҳмонларга “Янги Ўзбекистон” боғига ҳам боришимизни тақлиф қилмоқчи бўлиб тургандим, буни қарангки, дўстларимдан бири шу тақлифни айтиб қолди. Биз жамоа билан “Янги Ўзбекистон” боғи томон йўл олдик.

Манзилга яқинлашиб қолганимизда ўтган сафарги саргузаштларимизда ҳикоя қилиб берганимдек, “учар” ҳайдовчилардан бири йўлимизни кесиб, у ёқдан бу ёққа ўтиб, ўйнайверди. Ҳайдовчига эътибор бермасдан йўлда давом этишини айтдим. Яна бири орқа тарафдан йўл ёритгичини кучайтириб, ёқиб-учириб келмоқда. Бу ҳайдовчилар тилида “йўл бер” дегани экан. Ваҳоланки, бизнинг машина белгиланган тезликдан оширмасдан ва белгиланган тезликдан секинлашмасдан ҳаракатланиб кетаётган эди. Ҳайдовчимиз инсонийлик юзасидан йўл бераман, деса бу тарафдан ҳам биттаси “учириб” келаётганини кўриб фикридан қайтди шекилли, тўғри кетаверди.

Ортимиздаги автомобиль ҳайдовчиси ёнимиздан қувиб ўтиб, йўлимизни тўсиб тўхтади. Биз ҳам мажбур секин тўхтадик. Ҳайдовчи ёшгина йигитча экан. Автомобилидан сакраб тушиб, бизга қараб ўдағайлаб келмоқда. “Нимага менга йўл бермайсан, “маргат” қилиб келаяпманку ортингдан”, дея отаси тенги одамга, яъни меҳмонларни олиб келган ҳайдовчига сенлаб, ургудек бўлаяпти. Бу муносабатни кўриб, ўзимни ушлаб туролмай автоматикдан тушдим-да “осмонларда учиб юрган” ҳайдовчига: “Сен ким бўлибсанки, сенга йўл очиб берсак. Нима биз қонунда белгиланган тезликдан секин юраяпмизми ёки сенинг йўлингга атайлаб чиқиб, йўлингга тўсайпмизми?.. Ҳамма қоидабузарликларнинг “видеорегистратор”да ёзилиб турибди. Сенинг шу муомалангни ҳам қонуний жиҳатдан жавобгарлиги бор”, деганимни биламан, шу заҳотиёқ автомобилига ўтириб “сурворди”.

Шу ўринда азиз ҳайдовчиларга мурожаатим бор: Йўлда кетаётганда ҳеч кимни ҳурмат қилмасангиз ҳам, ўзингизни ҳурмат қилинг! Акс ҳолда юқорида келтирилган воқеадаги каби мулзам бўлиб қолишингиз ҳеч гап эмас!

Хуллас, “Янги Ўзбекистон” боғига етиб келдик. Боғ байрам арафасида шаҳримиз аҳли ҳамда узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан гавжум. Ён-атроф ўзгача чирой очган. Бу гўзаллик одамлар қалбида фараҳбахш кунлар учун шукроналик ҳиссини ошириб, эзгу ниётларни уйғотмоқда. Боққа ташриф буюрувчиларга байрам шукуҳини улашиш мақсадида турли кўнғилочар томошалар, байрам дастурлари ташкил этилган. Барча шоду хуррам. Ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган салобатли арча, байрамнинг бош қахрамонлари — Қорбобо ва Қорқиз каттаю кичикни шодиёнага чорламоқда. Барчамизни таъсирлантирган нарса боғнинг марказий қисмида, таъбир жоиз бўлса, унинг юрагида — ўхшаши йўқ, мухташам бадийи обиди — Мустақиллик монументи бўлди, десам адашмаган бўламан. Монумент ёнида туриб, биз учун шундай ҳур ва мустақил Ватан қолдирган аждодларимизни ёд этиб, уларнинг ҳақиқа дуо қилдик. Сўнгра боғдаги сафаримизни ҳам яқунлаб, Яшнобод туманидаги “Олмос” маҳалласида истиқомат қилувчи яна бир дўстимизнинг уйига йўл олдик.

Йўл-йўлакай “Авиасозлар” деҳқон бозорига ҳам кириб чиқдик. Буни қарангки, бозорнинг дарвозасидан киришимиз билан ярмаркалар ташкил этилган савдо расталарига дуч келасиз. У ердаги турли-туман маҳсулотлардан кўзингиз қувнаса, нарх-навонинг сунъий тарзда ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида мутасаддилар томонидан назоратга олинганидан яна бир суюндик. Дарвоқе, арзонлаштирилган савдо ярмаркалари шаҳримиздаги барча деҳқон бозорларида ташкил этилган бўлиб, аҳоли қулай нархларда озиқ-овқат, мева ва сабзавотларни харид қилиш мумкин.

Бозордан турли маҳсулотларни харид қилиб бўлиб, “Олмос” маҳалласи томон йўлга чиқдик. Маҳалла томон кириб борар эканмиз, у ердаги қурилган уйлар эътиборимизни тортди. “Осмонўпар бинолар дегани шу бўлса керак”, дейишди дўстларим. Ўн олти қаватдан иборат ҳарбийлар учун барпо этилган уйлар экан. Лекин шу кўп қаватли уйлар атрофида автомобилларга жой йўқлиги одамни кўп уйлантиради. Ахир бу уйларда яшовчи аҳоли автомобилни қаерга қўяди?

2023 йил сўнгидаги саргузаштларим шундай яқунланди.

Азиз муштарийларим йил давомида мени кузатиб келганингиз учун ва йиғилиб қолган муаммоларни имкон қадар бартараф этганимиздан хурсандимиз. Юқоридаги муаммолар ва йил давомида айтилган камчиликларни яқинлашиб келаётган 2024 йилда мутасадди ташкилотлар қатъий назоратга олиб, бартараф этишидан сиз каби мен ҳам умидворман.

Зийрак БОБО

ТЕМИР ЙЎЛЛАР —

ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Республикамиз иқтисодиётида темир йўл транспорти ҳар куни минглаб тонна юкларни ҳамда йўловчиларни ўз манзилларига хавфсиз етказиб боришда муҳим аҳамият эгаллайди.

Ҳозирги кунда Тошкент минтақасидаги темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси раҳбарияти ҳамда барча шахсий таркиби томонидан темир йўл транспорти объектларида поездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ бўлган кўнғилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида темир йўлларга яқин жойлашган аҳоли яшаш пунктлари ва ўқув муассасаларида «Хавфсиз темир йўл», «Жамоат хавфсизлиги ойлиги», «Диққат темир йўл!», «Ўсмир», каби мавзуларда профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунга қарамасдан баъзи фуқароларимизнинг транспорт қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида турли кўринишдаги бахтсиз ҳодиса ва ҳуқуқбузарликлар юзга келмоқда. Бу билан фуқароларимиз ўзларига ҳамда ҳаракатдаги поездларнинг хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Темир йўлларда юк ва йўловчи поездларга тош отиб, ойналарини синдириш, рельсларга бегона жисмлар қўйиш, темир йўл яқинида мол боқиш, темир йўлни белгиланмаган жойидан кесиб ўтиш ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, бу каби ҳолатларга қонуний чоралар кўрилади.

Шунинг учун Тошкент минтақасидаги темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ходимлари темир йўл яқинида жойлашган хонадон эгаларини огоҳликка чақириб, транспорт қоидаларига эътиборли бўлишларини сўраб қолади.

Акмал СУЛТАНОВ,
Тошкент минтақаси темир йўл транспортида
хавфсизликни таъминлаш бошқармаси
Терроризмга қарши кураш бўлими ходими, майор

Реклама

«KO'SHMAS MULK XIZMATLARINI KO'RSATISH JAMIYATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик электрон онлайн аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога “Навоий Дори-Дармон” АЖнинг 2023 йил 26 декабрдаги 01-345-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк очик электрон онлайн аукцион савдоларига қўйилмоқда:

Бошланғич баҳоси – 2 808 537 000 (икки миллиард саккиз юз саккиз минг беш юз ўттиз етти минг) сўм бўлган Навоий вилояти, Навоий шаҳар, Навоий кўчаси, 65-уй манзилда жойлашган, умумий ер майдони 2244,6 кв.м, қурилиш майдони 786,25 кв.м. бўлган Маъмурий бино ва омборхоналар “К” литерли “Омборхона биноси”.

Савдо 2024 йил 30 январь куни соат 09:00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати 2024 йил 29 январь куни соат 18:00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2024 йил 30 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йилнинг 31 декабрь кунига қадар ҳар 15 кун оралиғида сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан 1 иш кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Кўчмас мулк билан тегишли “Навоий Дори-Дармон” АЖ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Тел: +99898 571-00-50.

Савдо ғолиби аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 иш куни ичида олди-сотди шартномасини тузиш ва “Сотувчи” томонидан белгиланган шартлар асосида тўловни амалга ошириши лозим.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 % (фоиз)дан кам бўлмаган миқдорда закат пулини “KO'SHMAS MULK XIZMATLARINI KO'RSATISH JAMIYATI” МЧЖ Навоий вилоят филиали. “Даврбанк” Олмазор филиалининг қуйидаги х/р: 2020 8000 5053 3172 3022, МФО: 01121, ИНН: 308112732 ҳисоб рақамига тўланади.

Манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳар, И.Каримов шоҳ кўчаси, 98-уй ёнида. Тел: +99899 360-11-00. Электрон платформа: <https://online-mulk.uz>.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 3А-уй манзилида жойлашган "KUKMARA" МЧЖга тегишли (СТИР 305938290) "INVEST FINANCE BANK" АТ банки томонидан рўйхатга олинган 0699551 дан 0699575 гача рақамли чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон бокс федерациясининг кубалик мураббийи Стейнерс Тиссерт Хуан Энрикега Адлия вазирлиги томонидан 2023 йилда берилган 3657-рақамли аккредитацияси гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

TOSHKENT OQSHOMI МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ	Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Истиклол, 51	Телефонлар: Кабулхона (71) 233 61 10 Реклама (71) 233 28 95	2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-рақами билан рўйхатга олинган	“NISO POLIGRAF” МЧЖ босмахонаси	Нашр учун масъул З. НАЗАРОВ	Нашр кўрсаткичи 563	Топшириш вақти 00:55 Топшириш вақти 05:00 Буюртма -	
	Бош муҳаррир Севдо НИЁЗОВА	Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Газетада босилган мақолалар учун муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқ қилиши мумкин. “Тошкент оқшом” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.	Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, “Машғал” маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй	Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, қоғоз бичими А3	Газета таҳририят компьютер марказида сақланганлиги			